



mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni



✓ ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:

ВАЪДА ЭМАС, АМАЛИЙ ЕЧИМ

СИРДАРЁДА ЎРГАНИШ ЎТКАЗГАН НОДИРА ЖАНИБЕКОВА БИЛАН ИККИ КУН ҚАНДАЙ ЎТДИ?

- ✓ “Мирзо Улуғбек” маҳалласидаги таъмирталаб идора муаммоси қачон ҳал этилади?
- ✓ Паст қувватда ишлаётган давлат боғчаси аҳоли эҳтиёжини қондирмаяпти, яна боғча керакми?
- ✓ Оқолтин техникумида халқаро дастурлар ёшлар келажagini қанчалик ўзгартира олади?
- ✓ Чорвачиликни кенгайтироқчи бўлган фуқарога кредит расмийлаштириш пайсалга солиндими?
- ✓ “Отаярт” маҳалласида сув муаммоси қачон ҳал бўлади?

✓ “Adolat” газетасида ташкил этилган янги рукннинг илк иштирокчиси — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоси Нодира Жанибекова.

✓ Махсус мухбиримиз икки кун давомида депутат билан бирга Сирдарё вилоятида бўлди. Маҳаллама маҳалла, хонадонданма хонадон юриб, одамлар дарди, ҳал этилмаган масалалар, тизимдаги камчиликлар ва жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўз кўзи билан кўрди.

Қабулхонада эмас — маҳаллада. Ҳисоботда эмас — ҳаётда. Ваъдада эмас — амалий ечимлар жараёнида.

⚠ КЕЛГУСИ СОННИ КУТИНГ

Муносабат

АЁЛ — БОЛА — ЖАМИЯТ — ТАЯНЧИ, МИЛЛАТ — КЕПАЖАГИ

Робахон МАХМУДОВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Ижтимоий адолат барқарор истиқболли келажак барпо этишни мақсад қилган ҳар қандай миллат, аввало, аёл-

лар ва болалар ҳуқуқини кафолатли ҳимоя қилиши зарур. Шу маънода, “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Президент фармони мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат тамойилларини амалда таъминлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

📄 Депутатлар худудларда

ИПМНИ ДАРОМАД МАНБАИГА айлантираётган ёшлар



“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиш ва аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятда ўрганиш ишлари олиб борди.

МУЛОҚОТДАН АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР САРИ



Газетамиз саҳифаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзоларининг ҳудудлардаги мониторинг ва ўрганиш ишлари ҳақида мунтазам ахборот бериб бормоқдамиз. Хўш, бу каби ўрганишларнинг асл мақсад-моҳияти нимада? Бу саволга депутатларимизнинг асосий мақсад-муддаолари ҳаётийлик, манзиллик ҳамда натижадорликка қаратилган, деб жавоб берган бўлардик. Февраль ойи сарҳисобига кўз югуртирар эканмиз, депутатларимизнинг ўрганишлари шунчаки тадбир эмас, балки амалий ишлар натижаси эканига яна бир бор амин бўлдик.

КИНО ВА МУАЛЛИФЛИК



СЦЕНАРИЙДАН ЭКРАНГА ҚАДАР

ҲУҚУҚИ:

АЁЛ – БОЛА – ЖАМИЯТ – ТАЯНЧИ, МИЛЛАТ – КЕЛАЖАГИ

1 Аввало, фармоннинг асосий ғояси аёллар ва болаларга нисбатан таълим ва зўравонликка мутлақо муроасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Чунки мамлакатимиз қонунчилигида илк бор аёл ва бола ҳуқуқининг маънавий асослари муфассал белгилаб берилмоқда.

Бунда, аввало, эрта никоҳ ва воёга етмаганлар ўртасидаги никоҳ ҳолатларининг олдини олишга қаратилган янги чоралар жорий этилмоқда. Хусусан, никоҳ ёшини пайсантиришга доир истисно ҳолатларини қўллаш тартиби янада қатъийлаштирилди. Бунда ҳар бир ҳолатда ёшларнинг ҳуқуқий, жисмоний ва руҳий манфаатлари устувор мезон сифатида баҳоланади. Эрта никоҳ қўпинча таълимнинг узилиши, ижтимоий ҳимоясизлик, саломатликка хавф ва иқтисодий қарамликка олиб келади. Демак, мазкур чора келажак авлодининг соғлом ва билимли бўлиб камол топишини таъминлашга хизмат қилади.

Фармонда 16 ёшга бўлган қизларда ҳомиладорлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақда тегишли органларга ахборот бериш мажбурияти белгиланмоқда. Бу орқали яшрин ҳолатларни барвақт аниқлаш, жиноят таркибини ўз вақтида баҳолаш ва жабрланувчини ҳимояга олиш механизми кучайтирилади. Мазкур тартиб ҳуқуқбузарликларни "оилавий масала" сифатида яшириш амалиётига чек қўяди. Ўз навбатида, бундай жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун рағбат механизми ишлаб чиқилади.

Эрта никоҳни ёки воёга етмаганлар ўртасидаги мажбурий муносабатларни яширган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтириладигани алоҳида аҳамиятга эга. Бу давлат органлари ва таълим муассасалари зиммасига юклатилган масъулиятни янада оширади.

Фармонда таълим олиш ҳуқуқини қафолатлашга қаратилган муҳим янгилıklar ҳам назарда тутилган. Жумладан, ҳомиладор тала-

балар ёки уч ёшгача фарзанди бор аёлларга таълимни узлуқсиз давом эттириш учун қўшимча имкониятлар яратилади. Масофа-вий таълим шакллари кенгайтириш, академик таътил бериш тартибини соддалаштириш, индивидуал ўқув режаларини қўллаш каби механизмлар жорий этилади. Ушбу ўзгариш аёлларнинг билим олиш ҳуқуқини реал қафолатлаб, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Зўравонлик ҳолатларига қарши курашиш борасида ҳам мутлақо янги ёндашув белги-ланмоқда. Хусусан, ҳимоя ордери берилган аёллар учун тезкор ёрдам қақрув тизими — махсус мобил иловалар орқали "SOS" сигнали юбориш имконияти жорий этилади. Бу механизм хавф тутилган вазиятда зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилишга имкон беради. Натижада, зўравонлик оқибатларини бартараф этиш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган профи-лактик тизим кучаяди.

Фармонда зўравонлик содир этган шахсларни мажбурий руҳий диагностикадан ўтказиш бўйича тартиб ишлаб чиқиши бел-гиланган. Бу ёндашув жиноятни фақат жазо-лаш билан чекламасдан, унинг илдизларини аниқлаш ва келгусида тақрорланшининг ол-дини олишга қаратилгани билан аҳамиятли-

"Адолат" социал-демократик партияси ўз дастурий мақсадларида ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқлик ва қонун устуворлигини таъминлашни устувор вазифа деб билади. Мазкур фармон айнан шу тамойилларни амалда қарор топтиришга хизмат қилиши билан биз учун ғоят аҳамиятлидир.

Аёл — жамият таянчи, бола — миллат келажакдир. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмаган жамиятда барқарор тараққиёт ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Шу маънода, мазкур фармон нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки маънавий-сиёсий аҳамиятга эга стратегик қарор ҳисобланади.

Ишончимиз комилки, мазкур ташаббуслар натижасида мамлакатимизда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимояси янада мустаҳкамланади, зўравонлик ҳолатлари кескин қисқаради ва оила институтини янада соғлом асосларда ривожланади.

Адолатли жамият, аввало, заиф қатлам ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинган жамиятдир. Ушбу фармон ана шундай адолатли жамият барпо этиш йўлидаги мустаҳкам қадамдир.

дир. Психологик коррекция дастурлари жорий этилиши ҳам зўравонликка мойил шахслар билан тизимли ишлаш имконини беради.

Фармон билан жиноят ва маъмурий қонунчи-ликка киритилётган ўзгаришлар орқали жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонлик учун жа-вобгарлик чоралари аниқлаштирилмоқда. Ай-никса, педофилиядек жирканч иллатга умрбод қамоқ жазоси қўллаш назарда тутилётгани, тақроран содир этилган зўравонлик ҳолатла-рига нисбатан жазо чораларининг кучайтири-лиши айни халқимиз кўнглидаги гап бўлди.

Эндиликда, аёллар ва болаларга оид ишлар бўйича иқтисослашган терговчилар ва судья-лар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Ама-лийёт шунини кўрсатадики, бундай ишлар уму-ий тартибда қўрилганда, жабрланувчининг руҳий ҳолати етарлича инobatта олинмаслиги мумкин. Иқтисослашув эса адолатли ва си-фатли тергов ҳамда суд муҳокамасини қафо-латлайди.

Шунингдек, фармон талабига кўра, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳам-корликни кучайтириш вазифаси қўйилмоқда. Бу жамоатчилик назоратини ошириш, ҳуқуқий ма-даниятни юксалтириш ва зўравонликка нисба-тан муроасасиз ижтимоий позицияни шакл-лантиришга хизмат қилади.

Худудлардан хабарлар



МУКОФОТ МУБОРАК, азиз партиядошлар!

Мамлакатимизда хотин-қизларга эҳти-ром кўрсатиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида тугган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой билим ва тақрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохот-лар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўз-бекистонни барпо этиш, халқимиз фаро-вонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, ои-лаларда маънавий-ахлоқий муҳитни муста-ҳкамлаш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадр-иятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган бир гуруҳ хотин-қизлар 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муноса-бати билан давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Аҳамиятлиси, улар орасида Хива туманидаги "Кўшчи каттабоғ" ва "Истиқлол" маҳаллалари хотин-қизлар фаоли, "Адолат" СДП Хива тумани кенгаши "Аёл-лар қаноти" раиси **Насиба Рўзметова** "Дўстлик" ордени, Урганч шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор, гул этиштирувчи, "Адолат" СДП Урганч шаҳар кенгаши депу-тати **Муқаддас Атаеванин** "Шухрат" ме-дали билан мукофотлангани барчамизда фахр туйғусини уйғотди.

Партиядошларимизни юксак эътироф билан "адолатчилар" номидан кутлаймиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бо-раётган ишларига улкан зафарлар тилай-миз.

**"Адолат" СДП
Сийёсий Кенгаши**

Депутат сўрови

Элликқалъалиқлар МУАММОСИ



ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

"Адолат" СДП фракцияси аъзоси **Нодира Рашидова** Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги янги қурилган уйларда аниқланган жиддий экологик ва ижтимоий муаммо юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирати ҳамда Санитария-эпидемиологик осойиш-талиқ ва маорат саломатлиги қўмитаси раисига депутат-лик сўрови юборди.

Маълум бўлишича, фракцияимиз аъзосига **Элликқалъа тумани, "Иқбол" маҳалла-сида яшовчи фуқаролардан жамоавий мурожаат келиб тушган. Унга кўра, 169 та оила "ARH-GROUP DEVELOPMENT" МЧЖ томонидан ипотека кредитлари асосида қурилган уйларни харид қилган. Бироқ объектлар фойдаланишга топширилгач, уй-ларнинг конструктив элементларини емирувчи ва хавфсиз яшашга тўқунлик қи-лувчи термитлар аниқланган.**

Эътиборли жиҳати шундаки, ер участкалари аукцион орқали сотилаётган вақтнинг ўзи-даёқ термитлар билан зарарланган бўлгани айтилмоқда. Келтирилган таҳлилларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида термитлар тарқалиши йил сайин ортиб бормоқда. Депутат сўровидаги маълумотлар вазиятнинг нақадар жиддийлигини кўрсатади:

- **ТЕРМИТЛАР ТАРҚАЛГАН ҲУДУД МАЙДОНИ ЙИЛИГА ЎРТАЧА 30 КВАДРАТ КИЛОМЕТРГА КЕНГАЙМОҚДА;**
- **БУГУНГИ КУНГАЧА 6 067 ТА ХОНАДОН, 6 ТА ИЖТимоий-ИҚТисодий ОБЪЕКТ ВА 14 ТА ТАРИХИЙ ЗИЁРАТГОҲ ЗАРАРЛАНГАН;**
- **ЗАРАРЛАНИШ ОҚИБАТИДА 125 ТА УЙ АВАРИЯ ҲОЛАТИДА ДЕБ ТОПИЛГАН.**
- **ШУ БОИС Нодира Рашидова ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИДА СОҲА МУТАСАДДИЛАРИДАН ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАРГА ОЙДИНЛИК КИРИТИШНИ ВА АСОСЛАНТИРИЛГАН ТУШУНТИРИШ БЕРИШНИ СЎРАДИ:**
- **УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДАН ОЛДИН ЕР УЧАСТКАЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ МАЖБУРИЙ ЭНТОМОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАЛАБИ ҚОНУНЧИЛИҚДА БОРМИ ВА УНИНГ ИЖРОСИНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?**
- **ТЕРМИТ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН ЕРДА ҚУРИЛИШ ҚИЛГАН ПУДРАТЧИЛАРГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР ҚУРИЛАДИ ҲАМДА АҲОЛИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНГАН?**
- **ХАВФЛИ ҲУДУДЛАРДА ТИЗИМЛИ МОНИТОРИНГ ВА РЕЕСТР ЮРИТИЛАДИМИ?**
- **САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН ТЕРМИТЛАРГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР РЕЖАЛАШТИРИЛГАН?**
- **ТЕРМИТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРАГА ҲАМКОРЛИК ҚАЙ ДАРАЖАДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?**

Депутат ўз сўровида мазкур муаммо нафақат фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқлари, балки уларнинг ҳаёти ва саломатлиги билан боғлиқ эканини алоҳида қайд этган ва ушбу муаммо ечим толуғна қадар назоратда бўлишини билдирган.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Фракция йиғилиши

АМАЛИЙ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУҲИМ НАТИЖАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб жорий йилнинг 24 февраль куни Президентимизнинг ёшлар билан мулоқоти, йигит-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича илгари сурилган қўшимча имкониятларнинг аҳамияти ҳақида сўз юри-тилди.

Ёшлар билан очиқ мулоқот мам-лакатимиз тараққиётида инсон ка-питалига таянган стратегик ён-дашув изчил давом этаётганини яна бир бор намоён этгани қайд этилди. Давлатимиз раҳбари юр-тимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини алоҳида таъкидлагани ургуланди.

— **Дарҳақиқат, буғун, ёшларга ишонш ва имконият яратиш — давлат сиёсатининг усту-вор вазифасига айланди. Мазкур ёндашув буғунги кунда амалий қарорлар билан мустаҳкамлан-моқда, — дейди фракция аъзоси Бехоз Тўхтамурадов. — Ёш депу-тат сифатида давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга яра-тилаётган кенг қўламли имкон-иятлар буғун амалий самарасини бераётгани, ёшлар тадбиркор-лиги фаоллашганлиги, стартап ташаббуслар сони ортаётгани, инновацион ғоялар иқтисодий айланмага кириб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз.**

Фракция аъзолари ёшлар му-ваффақиятини таъминлашда таъ-лим тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини, буғун соҳада амалга оширилаётган ишлар натижасида дунёнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган талаба ёшлари-миз 500 нафардан, ТОП-100 та-лиқдаги олийгоҳларда ўқиётган ёшларимиз 3,5 минг нафардан ош-ганини таъкидлашди.

Йиғилишда, шунингдек, жо-рий йилнинг 26-28 февраль ку-нлари фракция аъзоларининг сай-лов округларидаги ўрганиш якун-

лари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Маълум қилинганидек, фракция аъзолари ўрганишлар давомида жами 235 та объектда бўлишди. Шундан, 69 таси хонадонлар хи-سوبланади. Учрашувларда қамраб олинган 6116 нафар сайловчидан 279 нафарини тадбиркорлар таш-кил этди. Шу билан бирга, 68 та ижтимоий соҳа объектилари ҳамда 74 та маҳалла фуқаролар йиғин-ларида учрашувлар ўтказилди. Депутатлар томонидан 108 нафар фуқаронинг қабули ташкил этилди.

Фракция аъзолари сайлов ок-ругларида олиб борган фаоли-яти давомида аҳолини ўйланти-раётган масалалар ва уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувлар давомида сайлов-чилар томонидан 54 та муаммо кўтарилган бўлиб, уларнинг 7 таси, яъни 14,8 фоизи жойида ҳал этил-



ган. Улар асосан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, аҳоли бандлиги, таълим, тиббиёт ва соғ-лиқни сақлаш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик, ижтимоий соҳа объектиларини таъ-мирлаш ва қуриш, транспорт ва йўл қурилиши, маданият ва спорт, экология ва атроф-муҳит муҳофа-засига тааллуқли масалалардир.

— **Ўрганишлар давомида мам-лакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширила-ётган ислохотларнинг аҳами-ятини аҳолига етказиш баро-бариди, уларнинг ижросига ҳам**

алоҳида эътибор қаратдик, — **дейди фракция аъзоси Тоҳир Полвонов. — Шунингдек, Қонун-чилик палатасида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш бериб, ҳар бир масалага инсон ҳуқуқ ва ман-фаатлари устуворлиги нуқтаи назаридан қаралаётганини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бер-дик.**

Муҳокамалар жараёнида жой-ларда кўтарилган масалаларни те-гишли вазирлик ва идоралар бил-лан ҳамкорликда ҳал этиш чора-лари белгилаб олинди.





ИЛМНИ ДАРОМАД МАНБАИГА айлантираётган ёшлар

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ КЎЗГУСИ

Партия етакчиси дастлаб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси фаолияти билан танишди. Мазкур бошқарма бугунги кунда замонавий бинода вилоят аҳолисига кенг қўламли ижтимоий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Жараёнда мутахассислар томонидан Ўзбекистонда ногиронликни белгилаш тизимини рақамлаштириш ва соҳада хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги янгилликлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Жумладан, бугунги кунда Фаргона вилоятида жами 95 989 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган. Уларнинг 15 058 нафари 18 ёшгача бўлган болалар. Бу болаларнинг 7 094 нафари узгалар парварлишига муҳтож. 2025 йил давомида протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситаларига муҳтож 10 899 нафар шахсга амалий ёрдам кўрсатилган.

Робохон Махмудова бошқарма ходимлари билан мулоқотда ҳар бир инсон ижтимоий кўмакка муҳтож бўлганда, зарур ёрдамни ўз вақтида олиши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, замонавий технологиялар орқали хизматларни тақомиллаштириш ва ёрдам самарадорлигини ошириш муҳимлигига эътибор қаратди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилаларни қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий ҳокимият ҳамда Агентлик билан ҳамкорликда янги механизмларни ишлаб чиқиш бўйича ўз тавсияларини берди.

ЭХТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Фракция раҳбари Робохон Махмудованинг Фаргона вилоятидаги ўрганишлари муборак Рамазон ойининг шукҳули кунларида амалга оширилгани боис хайрли тadbирлар ҳам эътибордан четда қолмади. Партия етакчиси Фаргона шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оилалар ва ногиронлиги бор фуқаролар билан учрашиб, уларнинг яшаш шароитлари ҳамда қандали эҳтиёжларини ўрганди.

Хусусан, "Афросиёб" МФЙда яшовчи Муяссархон Юнусова хонадонда кечган мулоқот ниҳоятда самимий ва таъсирли бўлди. Муяссархон опанинг тақдирини синовларга тўла: уч фарзандни тарбиялаётган ёлғиз аёлнинг уйи қутлимгадана содир бўлган ёнғин оқибатида буткул вайронга айланган эди. Оғир дамларда маҳаллий ҳокимлик ва саховатпеша ҳомиёлар кўмаги билан қисқа муддат ичида янги, шинам уй тиклаб берилди. Муяссархон Юнусова партия етакчиси билан суҳбатда доимий эътибор ва ғамхўрликдан мамнунлигини билдирди.

ИҚТИДОР САМАРАСИ УЧУН ЗАМИН ҲОЗИРЛАГАН МАКТАБ

Фаргона туманидаги ихтисослаштирилган мактабда иқтидорли ёшларимиз билан бўлиб ўтган тарихий учрашувдаги ташаббуслари ҳақида батафсил маълумот берар экан, бугун мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга яратилаётган кечикис имкониятлар уларни янада юксак мақсадлар сари интилишларига замин яратётганлигини эътироф этди.

Бугун юртимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар нафақат уларнинг шахсий камолоти, балки жамиятимиз равнақи учун ҳам мустақкам пайдовер бўлиб хизмат қилмоқда. Сиёсий Кенгаш раиси бугун стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инновацион ёғларга кенг йўл очиб ва халқро майдонда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш — буларнинг барчаси ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, ёшларни сиёсий жараёнларда, қарорлар қабул қилинишида фаол иштирок этишга чақирди.

Мактаб ўқувчилари орасида хоржий тилларни мукамал ўрганишга интилаётган, билимини ҳар томонлама мустақкамлаб, турли фан олимпиадаларида юқори натижаларни қўлга киритишга ин-

тилаётган ёшлар талайгина. Мактабнинг 4 нафар битирувчиси аллақачон мuddатидан олдин ни-фузли олийгоҳларнинг талабаси, деган шарафли номга сазовор бўлган. Кўзлари порлаб, улуг мақсадлар сари интилаётган Камолитдин Тоштемиров мактабнинг 11-синф ўқувчиси бўла туриб, АҚШнинг Wingate University томонидан белгиланган 114 000 доллар миқдоридagi грантни қўлга киритиши — бу улкан муваффақият!

Камолитдин нафақат халқро университет талабаси бўлди, балки "GREEN FOODS CHAYIN" МЧЖни ташкил этиб, тadbиркорликда ҳам илк қадамларини ташлади.

Бундай шижоатли ёшлар нафақат мактабнинг, балки бутун миллатимизнинг фахридир. Мулоқот давомида иқтидорли ўқувчилар рақамли иқтисодиёт, экологик барқарорлик ва



таълимдаги инновациялар бўйича ўз гоёлари билан таништирар эканлар, уларнинг интеллектуал салоҳиятига яна бир бор амин бўлди.

ЧЕГАРАОЛДИ ҲУДУДАГИ АҲОЛИ ТАКЛИФЛАРИ ҲАҚИДА

Фаргона туманининг энг олис ва ўзига хос ҳудудларидан бири — Қирғизистон Республикаси билан чегарадош "Ҳосилот" маҳалласи "Адолат" СДП ишчи гуруҳи диққат марказида бўлди. Мазкур ҳудуднинг ўзига хослиги шундаки, 250 нафардан зиёд фуқаро қўшни давлат ҳудуди ичида жойлашган, бироқ Ўзбекистонга қарашли бўлган ер майдонларидаги хонадонларда истиқомат қилади. 3000 нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган «Ҳосилот» маҳалласи аҳоли асосан малина етиштириш ва чорвачилик орқали рўзғор тебратди. Бу ерда деҳқончилик шунчаки машғулот эмас, балки асосий даромад манбаидир.

Ҳар бир оила томорчадан унумли фойдаланиб, йил давомида ўртача 100 миллион сўмгача даромад олади. Бу эса ҳудуд аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва тadbиркорлик салоҳияти юқори эканидан далолат беради. Мазкур маҳаллада ўрганиш олиб борган Робохон Махмудова маҳалла «еттилик» вакиллари билан учрашиб, ҳудудни ободонлаштириш ва инфратузилмани яхшилаш масалаларини муҳомада қилди.

Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда фуқаролар бир қатор масалаларни ўртага ташладилар. Бу, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва имтиёзли кредитлар ажратиш, болалар нафақаси ва ижтимоий ёрдам тизими, электр таъминоти сифатини яхшилаш, янги трансформаторлар ўрнатилиш ва эскирган симлеларни замонавий темир-бетон таянчларга алмаштириш масалалари бўлди. Қўтарилган ҳар бир муножаат юзасидан туман маъсулларига тегишли тавсиялар берилди.

САФДОШЛАРИМИЗ СОНИ 25 НАФАРГА ОРТДИ

Фаргона шаҳар болалар шифохонаси 170 ўринга мўлжалланган бўлиб, мазкур шифохонда бугунги кунда 38 нафар шифоқор ва 214 нафар ҳамшира болажонлар саломатлиги йўлида туну кун хизмат кўрсатмоқда. Жарроҳлик, неврология, анестезиология ва реанимация каби 10 та бўлим

Гулчеҳра АҲМЕДОВА, Фаргона вилояти кенгаши матбуот котиби

энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш имконини бермоқда. Шифохона қошидаги бошланғич партия ташкилоти вилоятдаги энг йирик ва намунали жамоалардан бири саналади. Илгари 100 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган ушбу ташкилот сафига яна 25 нафар фидойи тиббиёт ходимлари қўшилиб, "Адолат" СДП аъзосига айланди.

— Биз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш

ва тиббиёт ходимларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратаётган "Адолат" партияси сафида бўлишни мақсад қилдик. Бу бизга нафақат касбий, балки ижтимоий масъулиятни ҳис этишда ҳам куч беради, — деди шифохона бош шифоқори Ҳокимжон Ибрагимов.

Янги қабул қилинган аъзоларга гувоҳномаларни топшириш маросими ҳақиқий байрам тadbирига айланди. Робохон Махмудова тadbир иштирокчиларини қутлар экан, тиббиётчиларнинг партияга бўлган ишончи учун миннатдорлик билдирди.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Робохон Махмудова Фаргона шаҳридаги мактабга таълим ташкилотларида болаларнинг овқатдан захарланиши билан боғлиқ вазиятни ҳам ўрганди. Партия етакчиси шифохонда бемор болалар ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилиб, озиқ-овқат хавфсизлиги ва тиббий хизмат сифати устидан партиявий назорат ўрнатилишини ҳамда соҳадаги камчиликлар юзасидан тизимли чоралар қўрилишини таъкидлади.

Робохон Махмудова болалар саломатлиги масаласи «Адолат» СДП учун энг устувор йўналишлардан бири эканини алоҳида таъкидлади. Муассасаларда бу каби ноҳус ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун тизимли чоралар қўриш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, партия етакчиси томонидан қуйидаги тақдир билан тавсиялар илгари сурилди:

- мактабга таълим муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлаш устидан жамоатчилик назоратини кескин кучайтириш;
- боғчаларни сифатли маҳсулотлар билан таъминловчиларнинг масъулиятини ҳуқуқий жиҳатдан ошириш;
- бирламчи тиббий ёрдам сифатини юқори даражага олиб чиқиш ва профилактик ишларини жадаллаштириш.

Сиёсий Кенгаш раисининг Фаргонага икки кунлик сафари самарали кечди. Партия етакчиси билан юзма-юз мулоқот қилган муножаатчиларнинг қўллаб-қувватлашга ечим топилди, айримларини ҳал этиш чоралари белгиланди. Халқ орасига кириб бориш, уларни тинглаш, зарур ҳолларда кўмакчи бўлиш одамларнинг "Адолат" СДПга бўлган ишончини янада ошириши билан аҳамиятлидир.

“ОГОҲ БЎЎЛИНГ, “ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ” Фирибгар

Firibgar



ТАРҒИБОТ АКЦИЯСИ ЯКУНЛАНДИ

Анасхон УСМОНОВ, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати етақчи мутахассиси

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 30 апрелда қабул қилинган 153-сонли "Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашишнинг янги босқичини белгилаб берди. Қарорда 2025 йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган вазифаларни самарали ижро этиш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни янада кучайтириш асосий вазифа сифатида кўрсатилди.

Бугунги кунда фирибгарлик жиноятлари, айниқса, унинг ахборот технологиялари орқали содир этилаётган турлари кенг тарқалмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси фирибгарлик учун жавобгарликни белгилайди. Мазкур модда алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкни ҳуқуқини қўлга киритишни англатади. Жиноятнинг оғирлик даражаси, етказилган зарар миқдори ҳамда иштирокчиларига қараб жазо чораси жаримадан тортиб узоқ мuddатли озодликдан маҳрум қилишга белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра, 2025 йил давомида Жиноят кодексининг 168-моддаси билан боғлиқ жиноятлар бўйича 12 749 нафар шахсга нисбатан турли жазо чоралари қўлланилган. Жумладан, айбланувчиларга жарима, муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, ахлоқ тузасти ишлари, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган. Шунингдек, 137 нафар шахсга нисбатан шартли жазо қўлланилган.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2025 йилда кибержиноятлар оқибатида ўзбекистонликларнинг салкам 1,9 триллион сўм маблағлари ўғирланган. 2021-2025 йилларда Ўзбекистонда кибержиноятлар сони 11 бараварга (4 865 тадан 62 440 тагача) ортган. Бунинг оқибатида фуқароларга жами 3 триллион 730 миллиард сўм зарар етказилган. Статистик маълумотларга кўра, фирибгарлик билан боғлиқ жиноят ишлари энг кўп Тошкент шаҳри, Фаргона, Самарқанд, Наманган ҳамда Тошкент вилоятлари ҳудудларида қайд этилган.

Шу сабабли "Адолат" СДП ташаббуси билан Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Маҳаллалар уюشمаси билан ҳамкорликда 16-27 февраль кунлари "Огоҳ бўлинг, фирибгар!" широри остида республика миқёсида кенг қамровли тарғибот акцияси ташкил этилди. Акция доирасида жами 1 686 та тарғибот тadbiri ўтказилиб, уларда 62 519 нафар фуқаро иштирок этди. Жумладан, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан 10, Қорақалпоғистон Республикасида 153, Андижон вилоятида 146, Бухоро вилоятида 125, Жиззах вилоятида 86, Навоий вилоятида 107, Наманган вилоятида 138, Самарқанд вилоятида 114, Сирдарё вилоятида 88, Сурхондарё вилоятида 136, Тошкент вилоятида 205, Фаргона вилоятида 59, Хоразм вилоятида 91, Қашқадарё вилоятида 169 ҳамда Тошкент шаҳрида 59 та тadbир ўтказилди.

Тadbирлар давомида аҳолига фирибгарликнинг турли кўринишлари, ундан ҳимояланиш усуллари, қонуний жавобгарлик чоралари ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича батафсил тушунтиришлар берилди. Шу билан бирга, иштирокчилар амалий кўрсатмалар ва реал ҳаётий мисоллар орқали фирибгарликдан сақланиш йўллари билан таништирилди. Тарғибот тadbirlari ҳудудлар кесимида ҳам кенг қамровда ташкил этилди. Жумладан, давлат ва нодавлат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ҳамда таълим муассасаларида 1 101 та тadbир ўтказилиб, турли соҳа вакиллари, ходимлар, педагоглар, талабалар ва ёшлар қамраб олинди. Шунингдек, аҳолининг бевосита ўзи билан ишлаш мақсадида 585 та тadbир маҳаллаларда ташкил этилиб, фуқаролар билан очик мулоқотлар, тушунтириш ишлари ва савол-жавоблар ўтказилди. Бу эса тарғибот ишларининг нафақат муассасалар доирасида, балки аҳоли яшаш жойларида ҳам тизимли равишда ташкил этилганини кўрсатади.

Тарғибот тadbirlari оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда 4 255 мартаба ёритилди. Жумладан, партия расмий сайтида 86, ҳамкор сайтларда 132, марказий телеканалларда 11, ҳудудий телеканалларда 22, партия расмий Телеграм каналида 48, ҳудудий Кенгашлар телеграм каналларида 1 393, ҳамкор ташкилотлар телеграм каналларида 783, фејсбук орқали 1 104, инстаграм орқали 631 ҳамда газеталар орқали 45 мартаба ёритилди.

Тарғибот тadbirlari давомида Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган мавзуга оид маълумотлар ва видеороликлар намойиш этилди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган тарғибот флаерлари иштирокчиларга тарқатилиб, фирибгарликнинг олдини олиш ва ундан ҳимояланиш бўйича амалий тавсиялар берилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан аҳолига яратилган "SAMCYBER102" мобил иловаси тавсия этилди. Мазкур илова мобил қўрилмаларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган вирусли дастурлар ва кибержиноят хавфларини аниқлаш ҳамда фойдаланувчининг тезкор огоҳлантириш имконини беради. Илова орқали фуқароларга киберхавфсизликни таъминлаш ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

Республика миқёсида амалга оширилган тарғибот тadbirlari фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ахборот саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Натихада аҳоли орасида молиявий ва киберхавфсизликка оид хавф-хатарларга нисбатан ҳушёрлик кучайди, фирибгарликнинг турли кўринишларига қарши иммунитет шаклланди. Ушбу ишлар жамиятда доимий огоҳлик муҳитини мустақкамлаш ва профилактика самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

МУЛОҚОТДАН АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР САРИ



**МАВЛУДА АДХАМЖОНОВА
ЎРГАНИШИДА ТИББИЁТ
ИНФРАТУЗИЛМАСИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР
АЁН БЎЛДИ**

Муассасани зарур ахборот технологиялари билан таъминлаш ва бинони кенгайтириш масалалари бўйича тегишли идоралар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилиши белгиланди.

ГУЛНОРАХОН АБДУВОҲИДОВА ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Жорий йилнинг 25 февраль куни давлатимиз раҳбарининг Кўксарой қароргоҳида иқтидорли ёшлар билан ўтказган мулоқоти мамлакатимиз ёшлар сиёсатида янги саҳифа очганидан яхши хабардорсиз. Унда ёшлар билан ишлаш бўйича янги вазифа ва мақсадлар белгиланди. Хусусан, ҳафтанинг пайшанба куни раҳбарлар ёшлар билан ишлаб, уларнинг

таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, масалаларини ҳал этиш топшириги берилди. Шундан келиб чиқиб, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулнорахон Абдувоҳидова** андижонлик ёшлар билан учрашди.



Андижон шаҳридаги 3-сон техникум талабалари билан ўтказилган мулоқотда ёшлар сиёсати борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ишларга тўхтади. Техникумдаги таълим жараёни, яратилган имкониятлар, касба тайёрлаш ва бандлик масаласида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Фракция аъзоси аслида ёшлар масаласи доим кун тартибда эканига ургу берди.

Шунингдек, Гулнорахон Абдувоҳидова Андижон шаҳридаги "Пистамозор", "Уриқзор" ва "Ўзбекистон 20 йиллиги" маҳаллаларида бўлиб, давлат дастурлари ва "Ўзбекистон-2030" стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси билан танишди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Бугун аҳоли саломатлигини мус таъминлаш ва тиббий хизмат сифатини замон талаблари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам ҳар бир инсонга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва халқни рози қилишдан иборат. Шу мақсадда жойлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш жамоатчилик ҳамда депутатлар назоратининг асосини ташкил этмоқда. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адхамжоновани** Андижон туманидаги сайловчилар билан бўлган навбатдаги учрашуви тиббиёт масаласига бағишланди.

Депутат тумандаги "Шарқ юлдузи" маҳалласида жойлашган 3-сонли оилавий поликлиникада бўлиб, тиббиёт ходимлари билан мулоқот ўтказди.

Мулоқот давомида соҳа ходимлари ва сайловчилар ўзларини қийнаётган, ечимини қутаётган масалаларни ўртага ташладилар. Ҳамшира Назирахон Йўлдошевнинг таъкидлашича, поликлиника биноси 2023 йилда реконструкция қилинган ва ходимлар учун бошланғич шарафитлар яратилган. Бироқ иш самардорлигини ошириш йўлида ҳамон бир қатор тўсиқлар мавжуд. Масалан, ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бир даврда муассасада компьютер техникаларининг етишмаслиги электрон навбат ва тиббий карталар билан ишлаш жараёнини қийинлаштиради.

Шунингдек, аҳолининг физиотерапевтик муолажаларга бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Мавжуд хоналар эса ушбу талабни тўлиқ қондира олмапти. Поликлиника ҳудудида қўшимча 2 та хона қуриш зарурати юзага келган.

Депутат Мавлуда Адхамжонова аниқланган муаммоларни тизимли таҳлил қилиб, уларнинг ечимини ўз назоратида олди.



**ДИЛМУРОД ИСМОИЛОВНИНГ
САЙЁР ҚАБУЛИ НАТИЖАДОР КЕЧДИ**

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Халқ билан мулоқот қилиш, аҳолининг дарду ташвишларини эшитиш ва уларга ечим топиш халқпарварлик мезонидир. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов** Наманган вилоятидаги ўрганишлари ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилди. Депутат Наманган шаҳридаги "Озод" МФИда бўлиб, аҳоли муурожаатларини ўрганиди. Қабул давомида ҳар бир муурожаатга алоҳида эътибор қаратилди, фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий масалаларини ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, маҳалла фуқароси Жамолддин Ибрагимов суд қарори юзасидан норозилик билдириб, ҳуқуқий кўмак сўради. Халқ вакили ушбу масалани атрофлича ўрганиб, фуқарога зарур юридик маслаҳат берди. Адолатли ечимни таъминлаш мақсадида муурожаат депутат назоратида олинди. Навбатдаги масала ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлди. Нуруний отахон Юсуфжон Қаноёмов саломатлигини тиклаш учун сиҳаттоғга йўлланма олишда амалий ёрдам сўради. Муурожаатга бефарқ қаралмай, тегишли ташкилотлар билан боғланилди ва масала ижобий ҳал этилди. Натияжада отахон учун бепул йўлланма расмийлаштирилиб, унинг даволаниши учун имконият яратилди.

Ўрганишлар жараёни Наманган туманидаги "Чорбоғ" маҳалласини ҳам қамраб олди. Туман маркази билан туташ мазкур ҳудудда аҳоли билан кечган очик мулоқотлар аниқ муаммолар ечимига қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Оқсоқоллар Муҳаммадjon Мадраҳимов ва Набижон Розиков "Бозор" кўчасининг янгли ҳолати ҳақида тўхталиб ўтишди.

Депутат ушбу кўчанинг бир километрик серкатнов қисмини кўздан кечирди. Ўрганиш давомида йўлнинг қатнов қисми ўта торлиги, пиёдалар йўлакчаси йўқлиги аниқланди. Бу эса ҳар куни мақта ва боғчага қатнайдиغان болалар, шунингдек, кексалар ҳаёти учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Халқ вакилининг навбатдаги манзили йўл ёқасида жойлашган 31-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Муассаса ўз фаолиятини давом эттираётган бўлса-да, унинг биноси эскирган. Ўрганиш давомида бинонинг бугунги замонавий таълим стандартларига жавоб бермаслиги қайд этилди. Депутат Дилмурод Исмоилов таъкидлаганидек, болажонлар учун хавфсиз ва муносиб муҳит яратиш мақсадида бинони капитал таъмирлаш ёки унинг ўрнида янги, замонавий типдаги боғча барпо этиш зарурати мавжуд.

Аниқланган муаммолар юзасидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда "йўл харитаси" белгилаб олинди.

НОДИРА РАШИДОВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРГАНИШ ОЛИБ БОРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Рашидова Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларида бўлиб, жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Дастлаб депутат Қорақалпоғистон тиббиёт институтида "Огоҳ бўлинг, фарибгар!" мавзусида ўтказилган ҳуқуқий-тарғибот тадбирида иштирок этди. Учрашув талаба-ёшлар ўртасида учраётган фарибгарлик жиноятларининг олдини олиш, уларнинг рақамли хавфсизлик бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Шундан сўнг, Нодира Рашидова Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда минерал ўғитлар ва бошқа озуқа ресурсларининг ўрни" мавзусида ташкил этилган семинарда нутқ сўзлади. Тадбирда қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Нодира Рашидова Нукус шаҳридаги "Жийдели Байсин" ва "Амударя" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, маҳалла "еттилик" билан учрашди. Ҳудуддаги мавжуд муаммолар, хусусан, хизмат кўрсатиш шохобчаларини йўлга қўйиш, аҳоли учун қулай инфратузилма яратиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, депутат Қонлиқул туманида бўлиб, тумандаги техникум ҳамда 1-сон умумтаълим мактабда яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди. Сафар якунида туман тиббиёт бирлашмаси ҳузурда янгидан қуриб битказилган, қиймати 1 миллиард 500 миллион сўмлик замонавий шопингч тез ёрдам бўлимининг очилиш маросимида қатнашди.

МУҲАММАДЖОН ВАЛИЕВ МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛДИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Фракция раҳбари ўринбосари **Муҳаммадjon Валиев** вилоят ҳудудларида олиб бораётган юзма-юз мулоқотлар давомида Данғара туманидаги "Шодлик" МФИ, Мусабек қишлоғида яшовчи фуқаро Со-



биржон Мелибоевнинг муурожаатини ўрганиди. Унда маҳалла ҳудуди катта йўл ёқасида жойлашганига қарамай, зарур йўл белгилари ўрнатилмагани сабабли тунги пайт ва кишининг қировли қунарада авария хавфи ортиб бораётгани таъкидланган. Аҳоли ҳар куни хаво-

ЕЛЕНА КОМПЛЬШИК ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЙРИЯ ТЕАТР ТОМОШАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Инсон қадрини улуғлаш ва ижтимоий кўмакка муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш мақсадида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Елена Компльшик** ҳамда "Адолат" СДП Самарқанд вилояти ва шаҳар кенгашлири ҳамкорлигида Антон Чехов номидаги вилоят рус драма театрида хайрия тадбири ташкил этилди. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда уларнинг маънавий оламни бойитиш мақсадида намоиш этилган спектакль ёки томошабинларга катта таассурот қолдирди.

Депутатнинг Самарқанд вилоятидаги ўрганишлари фақат маданий тадбирлар билан чекланиб қолмай, аҳоли билан бевосита мулоқот ва ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилди. Хусусан, "Сиёбча" маҳалласида ўтказилган учрашувлар давомида фуқароларнинг муурожаатлари тингланди.

ЕЛЕНА БОРИСОВА НАЗОРАТИДА ГЕМОДИАЛИЗ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Чилонзор туманида яшовчи фуқародан келиб тушган навбатдаги муурожаат **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Елена Борисова** назоратида партия фаоллари томонидан кўриб чиқилди.

Чилонзор туманининг "Хайробо" 2-тор кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро муурожаат қилиб, гемодиализ муолажаларини олиш жараёнида депутатга беморнинг муаммоларини баён этган. Партия фаоллари муурожаатини шунчаки қозғога эмас, балки жойига чиққан ҳолда, фуқаронинг хонадонига бориб ўрганишди. Учрашув давомида беморнинг муурожаатлари ва таклифлари тингланб, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди. Энг муҳими, мазкур масалаларни ҳал этиш учун соҳанинг тегишли мутасаддилари жалб этилди ва улар билан биргаликда амалий ечимлар ишлаб чиқилди.



Шунингдек, муборак Рамазон ойи муносабати билан беморга озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.



тир билан яшаб келаётганини билдириб, амалий ёрдам сўради. Депутат мутасадди идоралар масъуллари билан муаммони жойига чиқиб ўрганиди. "Ўзавтойўлбелги" корхонаси, туман ЙХХБ ҳамда масъул идоралар раҳбарлари билан ҳамкорликда тезкор чоралар кўрилди. Натияжада йиллар давомида ечимини топмаган масала ижобий ҳал этилди: белгиланган тартибда 10 га яқин оғохлантирувчи йўл белгилари ўрнатилди. Бу орқали эҳтимолий йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олиниб, маҳалла аҳолисининг хавфсизлиги таъминланди.

ЗИЁДБЕК ЮНУСОВ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёдбек Юнусов эса Инновацион ривожланиш агентлигининг Фарғона вилояти инновацион ривожланиш бўлими раҳбари Артур Аҳмаджанов билан Қувасой шаҳрида жойлашган "Blue Carbon" МЧЖ қўшма корхонаси фаолиятини кўздан ке-



Депутат маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро Валентина Аҳмедованинг хонадонига бўлиб, унинг яшаш шароити ва ижтимоий муаммоларини ўрганиди. Суҳбат жараёнида аниқланган эҳтиёжлар асосида фуқарога зарур амалий кўмак кўрсатиш масалалари назоратга олинди.



ТОҲИР ПОЛВОНОВ БЕМОР ЮРТДОШИМИЗ СОҒЛИҒИ ВА ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛ МАСАЛАСИНИ НАЗОРАТИГА ОЛДИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тоҳир Полвонов**нинг Хоразм вилояти Богот ва Янгиарик туманларида ўтказган навбатдаги ўрганишлари айнан шу мақсадга қаратилди.

Депутатнинг дастлабки манзили Богот туманидаги "Нурафшон" маҳалласида жойлашган 2-сон оилавий поликлиника бўлди. Муассаса мудираси Мақсуд Полвонова билан кечган мулоқотда тиббиёт тизимидagi янгилаштирилган ижроси муҳокама қилинди.

Халқ вакили фақатгина расмий муассасалар билан чекланиб қолмай, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар ҳолидан ҳам хабар олди. "Хуррият" маҳалласида яшовчи, кўп йиллардан бугун оғир хасталик билан курашаётган Давронбек Раҳмонов хонадонига бўлган Тоҳир Полвонов беморни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда тиббий кўриқдан ўтказиб, шифокор назоратида бўлиши бўйича масъуллар билан келишди.

"Хуррият" маҳалласида олиб борилган ўрганиш ишлари жараёнида МФИ раиси Ўткир Эшмуратов мазкур ҳудудни "Нурафшон" маҳалласига боғловчи, "Дарвиш бобо" қабристонига ва деҳқон бозорига олиб борувчи "Самимият" кўчасининг 1 километр қисми яроқсиз ҳолга келиб қолгани, агар ушбу йўл муаммоси бартараф этилса, деҳқон бозор ҳудудидаги тирбандликнинг олди олинишини таъкидлади. Халқ вакили мавжуд ҳолат билан танишиб, муаммони бартараф этиш чораларини бошлаб юборди. Тоҳир Полвонов, шунингдек, Янгиарик туманидаги 22-сон мактабгача таълим муассасаси, Хоразм вилояти Молия бошқармаси фаолиятини ўрганиди ва Ўрганч давлат тиббиёт институти талабалари билан мулоқот ўтказди.





Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Аёлга бахт беринг, саодат беринг



Дориламон кунлар келди...

Онагинам!
Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,
Қаён боқсанг, шайланишлар ва созлашар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.
Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,
Ўқсик дилда бошланмасин десанг қиёмат.

Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
Белгинангга тиргак бўлай, онажоним, тур,
Дориламон кўёшга боқ, унга қасдма-қасд.

Юзинг ардоқли кўёшдай иссиқ ва маҳваши.
Кўзларингга умид кетар тикилган они,
Қорли кунлар билан нарсин дилингдаги гаши,
Қизғини, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.

Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.
Яшамоқ — бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,
Борган сари очилдир иштаханг санинг.

Боғлардаги етишгуси ҳар мевали шох,
Ризқдир бизга, ризққа доим дил илчнжликдир.
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб қучоқ,
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.

Онагинам!
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
“Тирикликнинг байрами”, деб созланганда тор.
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

Тафаккур



Ота қизнинг ҳаётида такрорланмас кишидир.
Унинг ўрнини бирор киши боса олмайди, на ака-ука ва на эр, ҳатто фарзанд ҳам.
Умрнинг совуқ тунларида ота омонлик соҳилидир.

“Ёқтириш” билан “севиш” орасида фарқ бор: агар боғда бир гулни ёқтириб қолсангиз, уни узиб оласиз, агар севиб қолсангиз, уни ҳар қуни сугориб, парваришлаб турасиз.



Айман ЁҒИЙ

Ўзбек аёли – табиатнинг энг нозик, энг гўзал хилқати, шу билан бирга тоғлар каби бардоши бор унинг. Аёл. Биргина шу сўз замирида меҳрибон она, вафодор рафиқа, жонқуяр опа ёки сингил намоён бўлади. Эҳ-ҳе... унга қанча таъриф берсак, шунча қаламга олинмаган сифатлари хаёлан кўз ўнгингиздан бир-бир ўтаверади. Аёл аввало она, оиласининг бахти, фарзандлар тарбиячиси, рўзгорининг файз-у баракасидир.

Холбой ИБРАИМОВ,
Қори Ниёзий номидаги ТПМИ директори,
педагогика фанлари доктори, академик

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади, бир киши Расулulloх солаллоху алайҳи васалламнинг хузурига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг чиройли муомала қилишим учун инсонларнинг қайси бири ҳақлироқ?” деб сўраганида, у зоти шариф: “Онане” дедилар. “Ундан кейин ким?” деб сўраганида, яна “Онане” дедилар. “Кейин ким?” деб учинчи бор сўраганида: “Онане” дедилар. “Кейин ким?” деди. Тўртинчи бор “Онане” деган жавобни эшитди.

Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз ўз тўртликларида: “**Оналарнинг оёғи остидадир Рағзаи жаннат-у жинон боғи. Рағза боғи висолин истар эсанг Бул онанинг оёғин туфроғи**”, деб онанинг мақомига юксак таъриф беради. Фарзанд онанинг дунё саодатини истар бўлса, онанинг розилигини олиш учун волидаси онанинг тупроқ каби ҳокисор бўлмоғи, унинг хизматига шай турмоғи лозим. Чунки она фарзандини аввал вужудда, сўнг оилада меҳр билан улайтиради. Қорнини тўқлайди, касб-хунар, илм-фанга йўналтиради, бетоб бўлса, муолажаа қилади, қўлидан келган бор имкониятини аямайди. Машҳур кишилар ҳаётида аёллар муҳим таянч, муваффақият омили сифатида намоён бўлади. Тарихга назар солсак, буюк саркардалар, шоирлар ва сиёсатчилар ортда қўлчан уларни муваффақиятга руҳлантирган оналари ёки уларга садоқатли умр йўлдошлари туради. Жамият тараққиёти, маънавий баркамоллик ва миллий қадриятларга содиқ ав-

лодни воёга етказиш масаласи ҳар қандай даврда муҳим аҳамият касб этади. Шарқ халқларида қомил шахс — нафақат билимли, балки юксак ахлоқ, иймон-эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик фазилатларига эга бўлган шахс саналади. Фарзандни тарбия қилиш жараёнида аёлларнинг, айниқса, онанинг ўрни муҳим ҳисобланади. Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида аёлни жамиятнинг маънавий устун, оиланинг таянчи ва тарбиянинг асосий манбаи сифатида улуғлайдилар. Абу Наос Форобий аёлга шундай таъриф беради: “Оила — тарбиянинг биринчи мактаби, она эса унинг биринчи устозидир”. Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида жамият тараққиёти қомил инсонлар орқали амалга оширилиши таъкидлайди. Унга кўра, инсон фазилатли бўлиши учун тўри тарбия олиши зарур. Оиладаги моддий юклама отанинг гарданда, ўғил-қизларга таълим, тарбия бериш ишлари кўпроқ онанинг зиммасига юкланади. Бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино “Табри манзил” асарида оила ва бола тарбияси масаласига алоҳида тўхталади. У боланинг жисмоний ва руҳий соғлом бўлиб воёга етишида онанинг меҳрибонлиги, сабр-тоқати ва ақл-идроқи муҳимлигини таъкидлайди. Ибн Синонинг илмий фарзандларига кўра, бола руҳияти ниҳоятда нозик бўлиб, унинг қалбига дастлабки таъсирни айнан она кўрсатади. Олимнинг фикрича, фарзанд тарбия қилаётган онанинг ҳули намунали бўлиши зарур, оилада тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши шарт, ҳулқ

тарбияси болаликдан бошланиши лозим. Ибн Сино ўз болалигини эсга олиб, онаси ниҳоятда оқила аёл бўлгани, эришган ютуқларида онасининг ўрни муҳимлигини алоҳида айтиб ўтади. Амир Темури дунёнинг катта қисмига эгалик қилган, ўзининг интизом ва тадбирлиги билан оламга танилган ҳукмдор бўлса-да, аёлларнинг ҳурматини ҳамиша ўз ўрнига қўяди. “Темури тузуқлари” асарида оила ва тарбия масаласига жиддий эътибор қаратади, у фарзанд тарбиясини давлат мустақамлигининг асоси, деб ҳисоблайди. Темурийлар даврида аёллар нафақат оилада, балки сиёсий ва маданий ҳаётда ҳам фаол бўлган. Амир Темури келин танлаш масаласига давлат бошқаруви масаласи каби жиддий эътибор билан қараш зарурлигини айтади, чунки авлодларнинг тарбияси, насл ва насабидан онанинг ўрни муҳимлигини Соҳибқирон ўз ҳаётий тажрибаларида кўп қулатган эди. Бибиноним ўзининг ақл ва заковати билан Темурни доимо лол қолдиради, ечими йўқ масалаларга ҳам тадбир билан ечим топа олган аёлни салтанатнинг бош хоними этиб тайинлайди, Бибинонимга “катта хоним” унвонини беради. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бибиноним ўз замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор, маслаҳатдош ва етук ақл-заковат соҳибаси бўлган. Бибиноним салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб туради. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор бериб, толиби илмларга ҳомилийлик қилади. Бибиноним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашди. Соҳибқирон ўз набибалари Мухаммад Султон, Халил Султон, Улугбек ва бошқа шахзодалар тарбиясини Сароймулкхонимга ишониб топширади. Унинг меҳнати ва ташаббускорлиги сабаб Мирзо Улугбек ўз давриндан илгарилар кетган буюк олимга айланади. Бибиноним каби илғор ва фаол аёллар бугун ҳам эркаклар билан елкама-елка туриб, жамиятнинг барча соҳаларида бирдек меҳнат қилмоқда. Бадиий таъриф берганда, бир қўлида бешикни, яна бир қўлида дунёни тебратмоқда. Илмий аёллар болалигининг интеллектуал ривожланишида, соғлом турмуш тар-

зани шакллантиришда ва оилавий фаровонлиқни оширишда катта рол уйнайди. Шунингдек, аёлларнинг иқтисодий фаоллиги жамиятнинг барқарор ривожланишига, камбағалликнинг қисқаришига ва гендер тенгчилигининг мустақамланишига хизмат қилади. Замонавий дунёда етакчи давлатларнинг тараққиётига назар ташласак, уларнинг кўпчилигида аёлларнинг таълим даражаси ва жамиятдаги фаоллиги юқори экани кузатилади. Бундай жамиятларда аёллар нафақат ишчи кучининг муҳим қисми, балки инновацион ғоялар генератори сифатида ҳам эътироф этилади. Шу боис аёлларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун давлат сиёсати, ҳуқуқий асослар ва жамиятнинг умумий маданияти ҳам мос равишда ривожлантирилиши зарур. Аёлларга берилган ҳар қандай имконият, аслида жамиятнинг умумий тараққиётига қаратилган сармоя ҳисобланади. Аёл — жамиятнинг маънавий устун, оиланинг таянчи ва фарзанд тарбиясида масъул шахс. У фарзанд қалбига илк бор эзулик уруғини қадаган зот. Шундай экан, аёлларга ҳурмат ва эътибор — жамият раванқининг энг муҳим шартларидан биридир. Қомил шахсини тарбиялаш — аввало қомил онани тарбиялашдан бошланади. Шу ўринда шоира Зулфия Мўминова қаламига мансуб мисраларни ёдга оламиз: **Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Деманг, юрибди-ку қулиб, жилмайиб. Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб.** Асрлар давомида аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келган. Бугун ҳам юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва макени мустақамлаш борасида давлат аҳамиятига молик салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили баҳорнинг илк кунларида илм-у фан, ижод ва спортда юксак ютуқларга эришиб келаётган бир гуруҳ қизларимиз “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланади, яна бир қанча фаол аёллар меҳнати юксак баҳоқлиб, эътибор ва эътирофларга сазовор бўладилар. Зеро, аёллари кадр топган юрtdа эркакларнинг қадди баланд, фарзандларнинг тарбияси мукамал бўлади.

Ташаббус

“Адолат” СДПдан сайланган халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Насибахон Тўйчиева ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) Андижон вилоятидаги минтақавий вакили Жасурбек Иброҳимов Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш Департаменти 2-минтақавий ҳудуд 3-сон тергов ҳибсхонасида бўлди.



Маҳбуслар ҳам энди китоб ўқишади

Жамоатчилик институтларининг вакиллари томонидан ўтказилган мониторинг давомида маҳбусларнинг ётоқ жойлари, ошхона, кутубхона, даволаш бўлими, учрашув хоналари кўздан кеңирилди. Шунингдек, улар билан жамоавий ҳамда яқка тартибда суҳбат ўтказилди. Тадбир доирасида маҳбусларнинг маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар ўр-

ганилди. Бунда китобхонлик маданиятини юксалтиришга асосий вазифа сифатида қаралди. — Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори зиммамиздаги масъулиятни янада оширди, — дейди депутат Н.Тўйчиева. — Шу сабаб муассасага ҳомийлик асо-

сида 150 дан ортқ жаҳон ҳамда ўзбек бадиий адабиети намуналари тақдим этилди. Шу кун китобхонада чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. Аниқланган касалликлар диспансер назоратига олиниб, мутахассислар тавсияси асосида зарур тиббий муолажалар кўрсатиш йўлга қўйилди. Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ
Тахрир хайъати:
Робохан МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРШИБОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 076-07-75
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

НАШР
Кўрсаткичи: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чика бошлаган

Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб — Абдуғани Содиқов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюртма Г — 301

Адади — 3 006
Босишга топширилган вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК бошмақонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.